НОШИР ЙОКСИ
МАЖБУРИЙ НУСХА



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa[…] […]ail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 11-yanvar, shanba, 04 (23.284)-son

**Кун ҳикмати**

Саводсиз киши
ким нима
деса, ишониб,
эргашиб
кетаверади




# Ҳарбийлар ҳокимдан нима сўради?

**Ҳарбийларни қийнаётган айтарли муаммолар йўқ. Сабаби, айнан Самарқанд вилоятида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келиб хизмат қилаётган офицер ва аскарларга қаратилган эътибор, яратилган имкониятлардан мамнунмиз. Фақат шаҳарчамиздаги мактабгача таълим ташкилоти фаолияти кенгайтирилса, муассаса учун қўшимча бинолар қурилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

Бу таклиф Марказий ҳарбий округда вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кичик мутахассислар тайёрлаш маркази тингловчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан учрашувида кичик сержант Ихтиёр Ҳаққулов томонидан айтилди. Вилоят ҳокими қисқа фурсатда ҳарбийлар фарзандлари тарбияланаётган мактабгача таълим ташкилоти учун қўшимча бино қурилиб, зарур шароит яратилишини билдирди.

Шунингдек, учрашувда ҳарбийлар уй-жой, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда ижарада яшовчи хизматчилар учун етарли шароит яратиш каби масалалар юзасидан вилоят ҳокимига мурожаат қилишди.

– Бугун миллий армиямиз таркибида сиз каби ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, бақувват ҳарбийлар хизмат қилаётгани қувонарли, – деди Э.Турдимов. – Бу соҳага оид масалалар, шу тизимда фаолият кўрсатаётган инсонларга муносиб иш ва турмуш шароити яратиш бўйича мамлакатимизда, хусусан, вилоятимиздаги ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Яратилаётган имкониятларга, асосийси, эгнингиздаги формага муносиб ватан олдидаги бурчингизни адо этишингизга ишонаман. Вилоят ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари сифатида хизматингиз давомида муаммоли масалалар бўлса яқиндан ёрдам беришга тайёрман.

Учрашув якунида вилоят ҳокими хизмат жараёнида алоҳида ўрнак кўрсатган ёш ҳарбийларга эсдалик совғалари топширди.

Тадбирдан сўнг Э.Турдимов курсант ва аскарлар ошхонаси билан танишди ҳамда ҳарбийлар билан бирга тушлик қилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

Қўшработ туманида илк бор ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар кўргазмаси намойиш этилди. Ватанпарварлик ойлиги доирасида туман марказида ташкил этилган кўргазмани Қўшработ аҳли, хусусан, ёшлар катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилди.

* * *

Каттақўрғон туманида ҳам Ватан ҳимоячилари куни олдидан тадбир ташкил этилди. Пайшанба шаҳарчасида "Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати" шиори остида ўтказилган тадбирни ҳарбий техникалар паради бошлаб берди.

Тадбир давомида "Ватанпарвар" ташкилоти Каттақўрғон туман кенгаши қошидаги ўқув спорт техника клуби раҳбари Рўзимурод Жўраевга "Ўзбекистон "Ветеран" бирлашмаси олдидаги хизматлари учун" медали тантанали топширилди.

* * *

Жомбой туманида ватанпарварлик ойлиги доирасида ёшлар ўртасида узоқ масофага югуриш марафони ташкил этилди. Бу спорт мусобақаси ҳарбий машиналар парадига уланди. Ҳарбий қурол-аслаҳалар кўргазмаси давомида юртимиз мудофаа салоҳияти ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди.

# Хотин-қизлар қўмитаси икки ўт орасида қолдими

### ёки зўравонликка қарши ким курашиши керак?

**Келинни уриш воқеаси ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетишининг ўзи ўша оила учун, аёл учун тан жароҳатидан ҳам оғирроқ зарба, аслида. Аммо гап бу ҳақда эмас. Яқинда тарқалган шу мазмундаги видеодаги воқеалар хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўрганилди.**

Аммо ушбу видео олинганига бироз вақт ўтган, воқеа иштирокчилар томонидан қарийб унутилган, келин ва қайнона аллақачон ярашиб, тотув яшашда давом этаётган экан. Ҳолатни ўрганган ташкилот шундай хулоса бермоқда. Даъво қилинмагани учун ушбу воқеани содир этганларни жазолаш имкони йўқ экан. Савол туғилади. Нега тайёр факт, асос бўла туриб, иш судга оширилмайди? Тўғри, бу масалада хотин-қизлар қўмитаси даъвогар бўлиб чиқиши мумкин. Аммо хотин-қизлар қўмитасининг яна бир муҳим вазифаси оилаларни яраштириш, муросага келтириш, бир сўз билан айтганда, ажралишларнинг олдини олиш. Шу масалада олиб борилган ишлари бўйича ҳисобот ҳам тайёрлайди, ҳатто. Менталитетимиздан келиб чиқадиган бўлсак, агар юқоридаги ҳолат бўйича иш очиладиган бўлса, оилага совуқчилик тушади, келин яна бир карра оиладагиларнинг кўзига ёмон кўриниб қолади (Тан олайлик, бу вазиятда ҳам урган эмас, урилган одам яна айбдор бўлиб қолади). Бу ҳолатни тушунган хотин-қизлар қўмитаси оиладаги тинчликни сақлаш мақсадида оиладан доимий хабардор бўлиш вазифасини зиммасига олиб, «оилада нималар бўлмайди», қабилида гапириб, уларнинг яхши яшаб кетишига умидвор бўлишдан ўзга чораси қолмайди. Тўғрисини айтиш керак, кўпчилигимиз шундай йўл тутардик ва бошқача қадамни ҳатто нотўғри ҳисоблаймиз. Лекин биз зўравонликка қарши кураш бўйича жиддий ислоҳотлар арафасидамиз. Арафасидамиз, дейиш ноўрин, бу йўлга аллақачон қадам ташланди. Ўтган йили мамлакатимизда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бу ҳазилакам гап эмас. Аммо унинг ижроси-чи? Хўш, бирининг оиласига совуқчилик тушади, бошқасининг оиласи бузилиб кетади, дея бу қонунни четлаб ўтиш керакми? Умуман, ким шуғулланади бу масала билан?

Қонунда Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бандлик, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат тузилмалар, жумладан, хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланган. Мисол учун, ички ишлар органларининг қатор вазифалари баробарида тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради; ҳимоя ордерини беради; зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради, каби пунктлар ҳам белгиланган. Унда юқоридаги ҳолатда нега ички ишлар органлари ўз вазифасини бажармади?

Ёки албатта, видеодаги зўравонлик фожиа билан тугаши керакмиди? Менталитет дегани зўравонлик дегани эмас, буни йўқотиш учун қонун қабул қилингану, унинг ижроси амалга ошмас экан зўравонликни йўқотиш масаласи қоғозларда қолиб кетавермайдими?

**Гавҳар АЛИМОВА:**

# Энди зўравонлар жавобгарликдан қутулиб қололмайди

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги ҳужжатларнинг ижросини амалга ошириш бўйича вазифалар юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида»ги низоми мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

- Мазкур Низом билан зўравонликка барҳам беришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди, - деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Алимова. - Илгари хотин-қизлар қўмитаси бу масалада кўпроқ яраштирувчи вазифасини ўтаганди. Эндиликда ҳамкор ташкилотлар билан бу ҳолатга қарши жиддий курашувчи бўлиши лозим. Ахир қачонгача оиладаги зўравонликни яширамиз? Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган гап бор халқимизда. Мана, иситмаси ошкор бўлиб, яқинда Ургут, Самарқанд туманларида эри ичиб келиб, рафиқасига тан жароҳати етказиб, унинг умрига зомин бўлди. Хотин-қизлар қўмитаси бу масалада аввал бу ҳолатларнинг олдини олишда қайсидир маънода қўли боғланган эди. "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ижросини амалга ошириш учун эндиликда ушбу низом асосида иш олиб борамиз. Зўравонлик ҳолатлари статистикаси юритила бошлайди. Тўғри, ўтган йил хотин-қизларни зўрликдан ҳимоя қилиш мақсадида вилоятда ташкил этилган 17 та реабилитация марказларига 700 дан ортиқ аёллар мурожаат қилганди, уларнинг 170 нафарига психологик ёрдам кўрсатилганди. Аммо айнан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати статистикаси юритилмасди. Низомда ҳимоя ордерини бериш тартиби, унинг амал қилиш муддати, бу масалада ички ишлар, хотин-қизлар қўмитаси вакилларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Бизнинг аёлларимиз бу ҳолатни яширишга уриниши бор гап. Шунинг учун илгари жабрдийдалар ўзлари мурожаат қилмаса, иложимиз йўқ, деб ўтирганмиз, зўравонлар жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишган. Энди бундай бўлмайди.

Йиғилишда вилоят соғлиқни сақлаш, адлия бошқармалари вакиллари сўзга чиқиб, оиладаги зўравонликнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олишда тегишли ташкилот вакиллари олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтдилар.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

# Тадбиркор доим ҳақми?

### Булунғурда 9 йиллик муаммога қандай ечим топилади?

**Халқимизда "Мол аччиғи - жон аччиғи", деган нақл бор. Аммо замона зайли билан бу нақл ер аччиғи – жон аччиғи қабилида ўзгаргандек назаримизда. Бу хулосага келишимизга Булунғур туманида яшовчи тадбиркор Хўрозбой Якубовнинг мурожаати сабаб бўлди.**

*Журналист суриштируви*

2011 йил 15 июлда Булунғур тумани ҳокимининг 365-Қ-сонли қарори билан Булунғур шаҳри Соҳибкор кўчасидан Хўрозбой Якубовга 96 квадрат метр майдонда замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида икки қаватли хусусий савдо дўкони қуришга рухсат берилган. Шу билан бирга қайта қуриш ишларини шаҳарсозлик талаблари ҳамда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида 1 йил муддатда амалга ошириш, қурилиш ишлари тугалланганда бинони туман кадастр хизматидан қайтадан рўйхатдан ўтказиш ва ҳудуд атрофида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилган.

Мурожаатни ўрганиш учун Булунғурга борганимизда Х.Якубовни савдо дўконидан топмадик, дўкон ходимлари телефон орқали боғланишганда у киши аввал уйда эканлигини билдирди. Сўнгра мурожаатингиз бўйича ўрганишга келишибди, деган гапдан кейин Самарқанд шаҳрида эканлигини билдирди. Хуллас, кеч соат 18 дан кейин Х.Якубов билан учрашдик.

- Бинони туман ҳокимининг 2011 йилдаги қарори билан қурдим ва менга бино атрофини кўкаламзорлаштириш вазифаси ҳам юклатилган, - дейди Х.Якубов. – Аммо тадбиркор Ғулом Бойбеков бир нечта мансабдорлар иштирокида далолатнома тузиб, ҳокимнинг захирага олиш, ер бериш тўғрисидаги қарорисиз ободонлаштиришим керак бўлган майдонни эгаллаб олди. Қонунчиликка кўра ер ҳокимнинг қарори билан берилиши керак эди. Натижада у менга вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан берилган лойиҳада кўрсатилган ишларни бажаришимга тўсқинлик қилди. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган жой бўйича туман ҳокимлиги, туман, вилоят прокурорлари, вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мурожаат қилдим. Улар мурожаатимга эътиборсиз қараётганлиги ва чора кўрмаганлиги туфайли вилоят ҳокимининг қабулида бўлиб муаммони билдирдим.

*2-саҳифа* >> >>

## Кеча

Вилоят матбуот уйида вилоят нодавлат-нотижорат "Зарафшон" экологик бирлашмаси томонидан "Ёшларнинг экологик маданиятини шакллантиришда ОАВ ва ННТларнинг ўрни" мавзусида семинар ўтказилди.

Самарқанд шаҳрида Сув хўжалиги вазирлиги, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақаси экологик маркази ва унинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда "Сувчи" жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида вилоятимиздаги ўқитувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида сувдан оқилона фойдаланишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Президент Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази мутахассиси Х.Асадовнинг институт профессор-ўқитувчилари, талабалар билан давра суҳбати ўтказилди.

## Бугун

«Самарқанд китоб олами» маънавий-маърифий мажмуасида ижодкор Каримберди Тўрамуроднинг «Тоғай Муроддан қолган далалар», «Қора китоб» ва «Ёлғизликнинг уч куни» китоблари тақдимоти бўлиб ўтади.

Жомбой туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида Солиқ кодексининг янги таҳрири ҳамда 2020 йилдаги ўзгаришларга бағишланган очиқ семинар бўлади.

## Эртага

13 январь куни Самарқанд шаҳрида олтинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтади.

13 январь куни Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида вилоят ҳокими Э.Турдимов тадбиркорларни қабул қилади.

# Чиқинди учун ким пул тўлайди?

*Самарқанд шаҳри кўчаларидаги чиқинди ташлаш қутилари деярли ҳар икки-уч кунда олиб чиқиб кетилади. Атроф-муҳитга зарар келтирувчи, хонадонларимиз ободлигига соя соладиган турли маиший чиқиндилар олиб кетилишидан манфаатдормиз. Аммо бу хизмат учун ўз вақтида тўлов қилишни унутиб қўяяпмиз.*

*Бугун вилоятимизда чиқинди ташиб чиқариш асосан «Мароқанд обод» ҳамда «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналарига юклатилган. Самарқанд шаҳрининг атроф-муҳити мусаффолигини таъминлаш ва тозалигини сақлаш мақсадида «Мароқанд обод»нинг 320 нафарга яқин ишчи-хизматчилари меҳнат қилишмоқда. Корхона томонидан Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Спетаменшоҳ, Гагарин ва бошқа кўчаларида 128 та ғилдиракли контейнер ўрнатилган бўлиб, кунига шаҳардаги 211 маҳаллада жамланган 450-500 тонна маиший ва қаттиқ чиқинди ташиб чиқарилмоқда.*

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР МАШАҚҚАТНИ КАМАЙТИРАДИ

- Корхонамиз фаолиятини ривожлантириш мақсадида Франция тараққиёт агентлиги томонидан 37 миллион евро миқдорида кредит ажратилди, - дейди корхона директори ўринбосари Шерхон Насимов. – Ҳозирча 80 та махсус техника харид қилдик. Шу маблағ ҳисобидан жорий йилда шаҳримизнинг турли бурчакларида яна 155 та замонавий чиқинди йиғиш шохобчалари қурилади, шунингдек, Сўлим шаҳарчасидаги чиқинди ташлаш полигони тўлиқ модернизация қилиниб, замонавийлаштирилади. Барча кўчаларга қўшимча контейнерлар ўрнатилади.

Аммо корхона олдида муаммолар кўп. Масалан, айрим маҳаллаларда аҳоли чиқиндиларни белгиланган жойларда ўрнатилган қутиларга эмас, ариқлар ичига, йўл ёқаларига ташламоқда. Айниқса, Сарбадорлар, Фидойилар маҳаллаларида бу ҳолат кўп учрамоқда.

Маҳаллалар билан тузилган шартнома асосида ҳозирда шаҳардаги 211 маҳаллада истиқомат қилувчи 424 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Каттароқ маҳаллаларда ҳафтада икки, аҳоли сони камроқларида эса бир марта чиқинди олиб кетилмоқда. Аммо кўрсатилаётган хизматлар учун аҳолидан тўловларни ундириш қийин кечмоқда.

### «ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНДИНГИЗМИ, ТЎЛОВИДАН ҲАМ ҚОЧМАНГ-ДА»

- Кўрсатилаётган хизматимиз учун ҳар бир киши ойига 2900 сўм тўлаши керак, - дейди Ш.Насимов. – Шуни ҳам ўз вақтида тўламайдиганлар кўп. Айримлар эса хонадонида яшовчилар сонини камайтириб кўрсатади. Йил бошида маҳаллалар билан чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича ўзаро шартнома тузамиз. Шу маҳаллада яшаётган аҳоли сони рўйхатини ҳам оламиз. Аммо йил якунида тушумларни ундириш вақтида дастлабки рўйхатдан бутунлай фарқ қилувчи, аҳоли сони анча камайтирилган рўйхатни тақдим этишади. Натижада бизда дебитор қарздорлар сони ошиб кетяпти. Хизмат учун тўлов кам йиғилмоқда.

Ўтган йил якунига келиб Мажбурий ижро бюроси ҳамда «Мароқанд обод» ДУК ходимлари томонидан ҳозиргача аҳолининг 40 фоизидан 5,5 миллиард сўм дебитор қарз ундириб олинган бўлса, 7,6 миллиард сўмдан ортиқ тўлов амалга оширилмаган. Шаҳардаги 211 маҳалланинг бирортаси чиқинди ташиб кетиш учун тузилган шартномани тўлиқ бажармаган. Жумладан, 1539 абоненти бўлган Ватанпарвар маҳалласи 101,5 миллион сўм, Боғбонлар маҳалласи 77,5 миллион сўм, Ипак йўли маҳалласи эса 113 миллион сўм, 1845 нафар аҳоли истиқомат қилувчи Дарғом маҳалласи 50,3 миллион сўмдан ортиқ қарздор.

### ЧИҚИНДИ КОНТЕЙНЕРИНИ ЎҒИРЛАГАН КИМ?

- Деярли ҳар бир маҳаллада 2-3 тадан чиқинди контейнерлар учун уйчалар ўрнатганмиз, - дейди суҳбатдошимиз. – Аммо аҳоли томонидан уларни ўғирлаш, ёқиш ҳамда синдириш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Қўшбаққоли маҳалласида яшовчи фуқаро контейнерни ўғирлаб, ўз хонадонига киритиб олганлиги аниқланди. Маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари билан излаб топиб унга маъмурий чора кўрилди.

Шунингдек, кимдир шаҳарнинг Уста Умар Жўрақулов кўчасидаги контейнер жойлашган ёғоч уйчани синдириб, ёқиб юборибди.

Яна бир гап. Корхона Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган 3200 юридик шахс билан чиқиндини олиб кетиш учун шартнома тузган. Аммо уларнинг мингга яқини ўзаро ҳамкорлик қилишни истамаяпти. Асосан контейнерлар ўрнатилган кўчаларда жойлашган савдо дўконлари, ошхона каби кичик тадбиркорлик субъектлари «бизга хизмат қилмаяпсизлар» деган важ билан пул тўлашни хоҳламаяпти. Улар биздан чиқинди чиқмайди, деб ҳатто ўз ҳудудида контейнер ҳам ўрнатмаган. Аслида, улар чиқиндини шу кўчада ўрнатилган контейнерларга ташлаши маълум бўлди.

### ЧИҚИНДИХОНАЛАР ҲАМ ЗАМОНАВИЙ БЎЛСА...

Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига қарашли «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонасининг барча шаҳар ва туманларида ўз филиаллари бор. Корхона филиалларида чиқиндиларни ташиб кетишга мўлжалланган экскаватор, бульдозер, мультилифт, юк машинаси каби 209 та махсус техника бор. Корхонанинг 654 нафар ишчиси бир кунда қарийб 800 тонна қурилиш ва маиший чиқиндиларни йиғиш ва ташиш билан шуғулланади.

- Ҳозирда шаҳар ва туманларда 11 та марказий чиқиндихонамиз бор, - дейди корхонанинг чиқинди йиғиш ва полигонларни эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи Шерзод Холмўминов. - Аммо Тойлоқ, Нуробод ва Оқдарё туманларида чиқиндихона йўқлиги сабабли яқин туманларга олиб боришга мажбур бўляпмиз. Уларнинг айримлари девор билан ўралган бўлса, Булунғур, Каттақўрғон, Нарпай, Паст Дарғом туманларидаги чиқиндихоналарнинг ярми сим тўр билан ўралган. Каттақўрғон шаҳар марказий чиқиндихонасида машиналарни ювиш мосламаси мавжуд эмас. Шунингдек, айримларида кузатув камералари ўрнатилмаган.

Ҳозирда вилоятда чиқиндиларни ташиб кетиш, уларни саралаш мақсадида чиқинди тўплаш шохобчалари қурилиб, бу ерга замонавий контейнерлар жойлаштирилмоқда. Корхонага яқинда 20 та махсус техника келтирилган бўлиб, айни кунда улар сиқилган газга мослаштирилмоқда.

- Лекин барибир аҳоли сонига нисбатан ишчи кучи, махсус техника етишмагани туфайли вилоятдаги барча маҳаллаларни қамраб олганимиз йўқ, - дейди корхона раҳбари Зафар Юсупов. – Имконият борича бир ҳафтада бир марта маҳаллаларга бориб, чиқиндиларни ташиб кетяпмиз. Аммо қарздорлардан тушумларни ундириш катта муаммо бўлиб турибди. Айрим маҳаллалар раислари аҳоли сонини қисқартириш орқали дебитор қарздорликни камайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Барча қарздорликлар ва кунлик тушумлар вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида санитар-тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази орқали мувофиқлаштирилади. «Тоза ҳудуд» ДУК вилоятдаги (Самарқанд шаҳридан ташқари) 882 маҳалланинг 393 тасини қамраб олган. Қолган маҳаллалар билан оммавий шартномалар тузилмаган. Мазкур ҳудудларда жойлашган 188 минг абонент (битта хонадон битта абонент ҳисобланади, аммо ушбу хонадонда яшовчи аҳоли сони алоҳида ҳисоб-китоб қилинади) корхона хизматидан фойдаланиб келмоқда. Санитар-тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази томонидан 871 минг киши биллинг тизими асосида тўлов қилиши керак. Аммо 2019 йил декабрь ҳолатида дебитор қарздорлик 8 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. Жумладан, Паст Дарғом туманида 933 миллион сўм, Иштихон туманида 738 миллион сўм, Ургутда 651 миллион сўм, Пайариқда эса 650 миллион сўмдан ортиқ қарздорлик мавжуд.

### ТЎЛОВЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА ТЎЛАНАДИ?

Бир йил илгари чиқиндини ташиб чиқариш хизмати учун тўловлар ширкатлар ёки корхона назоратчиларининг хонадонма-хонадон юриши орқали амалга оширилган. Энди эса тўловларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир истеъмолчига мажбурий ижро бюроси ва корхона томонидан шахсий абонент рақами берилиб, «Мижоз сети» электрон базасига киритилади. Истеъмолчи хоҳлаган тарзда тўловни амалга ошириши мумкин. Хонадонига келган МИБ ходимлари ва корхона назоратчиларига тўлаши ҳамда уйидан туриб PAYME, CLICK тизимларига уланган ҳолда «Мижоз сети»даги ўз ҳисоб рақамига пул ўтказиши мумкин. Бунда истеъмолчиларнинг вақти йўқолишини ҳам, тўлаган маблағи бировларнинг ҳисобига ўтиб кетишининг ҳам олди олинади.

### АҲОЛИ СОНИНИ КАМАЙТИРИШДАН НИМА МАҚСАД КЎЗЛАНГАН?

Яна бир гап. Нарпай туманида 50 дан зиёд маҳаллада 205 минг аҳоли яшайди. Аммо «Тоза ҳудуд»нинг туман филиали билан бор-йўғи 35 маҳалла чиқиндини ташиб кетиш учун шартнома тузган. Мазкур маҳаллалар томонидан йил бошида 122 минг аҳоли яшаётганлиги хусусида рўйхат берилган бўлса-да, тушум йиғиш пайтида уларнинг сони 76 мингга камайиб кетяпти. Буни қандай тушуниш мумкин?

Масалан, тумандаги Наврўз маҳалласида 4600 аҳоли яшайди, лекин чиқинди ташиш бўйича ташкил этилган биллинг тизимида уларнинг сони 3300 нафар қилиб кўрсатилган. Ёки Оқ олтин маҳалласида 4800 нафар аҳоли яшайди, тизимга эса 2900 киши киритилган. Дастлабки рўйхатда бир хонадонда 4-5 киши истиқомат қилади, деб маълумот берилган бўлса, базага шу хонадонда 2 киши яшаши қайд этилган.

Хўш, маҳалла раисларининг сохта ҳужжатлар ясаб, ўз ҳудудидаги аҳолининг сонини камайтиришларидан мақсадлари нима? Ўқишга кирганлар, турмушга чиққанлар, хорижга ёки республикамизнинг бошқа ҳудудларига ишлаш мақсадида кетган фуқаролар бўлиши мумкин. Аммо бир йил ичида қарийб эллик минг киши ўз-ўзидан рўйхатдан тушиб қолганига ишониб бўладими?

Хуллас, чиқинди олиб чиқиш, тўловлар борасида муаммолар кўп. Демак, вилоятимизда атроф-муҳит тозалигини сақлаш, ҳудудларни чиқиндилардан тозалашга жиддий эътибор қаратилмаса бўлмайди.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ,**
**«Зарафшон» мухбири.**

---

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказига вилоятдаги китобсевар йигит-қизлар ва уларнинг устозлари жам бўлди. Бу ерда улар Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган "Энг яхши китобхон мактаб" кўрик-танловининг вилоят босқичини катта қизиқиш билан кузатишди.

## Каттақўрғондаги китобхон мактаб 100 миллион сўм олади

Танловда вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар вакиллари, ҳар бири 7 нафар иштирокчидан иборат 16 мактаб жамоаси синовдан ўтди. Бу иштирокчилар танловнинг қуйи босқичларида ғолибликни қўлга киритган китобсевар жамоалардир. Уч шартдан иборат бўлган танлов жараёнини ҳакамлар синчковлик билан кузатиб борди.

Якунга кўра, Каттақўрғон туманининг 1-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, вилоят ҳокими соврини - 100 миллион сўмни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Пахтачи туманидаги 24-мактаб, учинчи ўрин эса Иштихондаги 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби жамоасига насиб этди.

**Ўз мухбиримиз.**

---

***11 январь – Халқаро қўриқхоналар ва миллий боғлар куни***

Жомбойликман. Тумандаги 21-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларга биология фанидан дарс бераман. Яқинда ўқувчиларим билан Зарафшон миллий табиат боғига саёҳат уюштирдик. Саёҳат баҳона боғ тарихи билан қизиқдик.

## Ўқувчиларингизни Зарафшон миллий табиат боғига олиб бордингизми?

Зарафшон миллий табиат боғи 1975 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 2426,4 гектарни эгаллайди. Қўриқхона ҳудуди Чўпонота тепалигидан бошланиб, Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб Равотхўжа сув тўғонигача 47 километр масофага чўзилган.

Бу ерда бошқа ҳудудларда учрамайдиган Зарафшон тилларанг қирғовули, сут эмизувчиларнинг 24 хил, қушларнинг 207 хил тури мавжуд. Шунингдек, ҳудудда судралиб юрувчилар, балиқлар, моллюскалар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, ҳашаротларнинг турли хиллари мавжуд. Ушбу ҳайвонлардан Зарафшон тилларанг қирғовули, Ўрта Осиё қундузи ва "Бухоро хонгули" буғуси Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоб»ига ва халқаро "Қизил китоб"га киритилган. Зарафшон миллий табиат боғи парваришхонасида 22 бош, очиқ табиатда эса 100 бошдан зиёд «Бухоро хонгули» мавжуд.

Боғда 300 дан зиёд ўсимлик тури бўлиб, атиргулдошлар оиласининг 16 та, ғалладошлар оиласининг 48 та, мураккабгулдошлар оиласининг 40 та, дуккакдошлар оиласининг 23 та, карамдошлар оиласининг 20 та тури аниқланган. Бундан ташқари ҳудудда манзарали ўсимликларнинг 20, техник ўсимликларнинг 23, доривор ўсимликларнинг 80 дан зиёд тури бор.

Зарафшон миллий табиат боғининг яна бир фахри 14 гектарга яқин қадимий турангил ўсимлиги майдонининг сақланиб қолганидир.

Шуниси афсусланарлики, миллий боғ ҳудуди, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар етказиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Аҳоли яшаш масканларининг миллий боғ ҳудудига тобора яқинлашиб келаётгани оқибатида бу ерда чорва молларини боқиш, дарахтларни кесиб кетиш кузатилмоқда.

Шунингдек, Зарафшон дарёсининг шағал тошлари қазиб олинаётгани миллий табиат боғи ҳудуди дарё ландшафтига таъсир этиб, сув сатҳи пасайиб кетишига, сувда яшовчи ҳайвон ва ўсимликларга зарар етишига олиб келмоқда.

Ботаника фанига болаларни қизиқтириш учун, аввало, уларни тез-тез табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқиш керак.

**Зуҳра АБДУРАҲМОНОВА.**

---

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

# Тадбиркор доим ҳақми?

**Булунғурда 9 йиллик муаммога қандай ечим топилади?**

Ҳоким топшириғи билан вилоят адлия бошқармаси масъуллари бошчилигида комиссия келиб масалани ўрганди ва ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олди, деган факт ўз тасдиғини топди, лекин ҳозиргача ҳеч қандай чора кўрилмади. Бу масала дастлаб Жомбой туман иқтисодий судида, сўнг вилоят иқтисодий судида кўрилди, бироқ ер ҳоким қарорисиз берилганлигига эътибор қаратмасдан қарор чиқаришди. Мен кўкаламзорлаштиришим керак бўлган майдонни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолати бўйича вилоят ҳокимига такроран мурожаат қилдим.

Тадбиркор айтганидек, бино 2011 йилда қурилиб ишга туширилган, аммо иккинчи қавати ҳамон фойдаланилмасдан келинмоқда. Туман ҳокимлиги 2012 йилда тадбиркор қонуний асосда қурган бинони ўз ҳисобидан бузиб, шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига даъво аризаси киритган. Нега?

Биз бу савол билан туман ҳокимлиги мутасаддилари, хусусан, туман бош архитектори Тўлқин Мусаевга мурожаат қилдик.

- Тумандаги соҳа мутахассислари иштирокида бино ўрганилганда қурилиш қоидаларини бузиб икки қаватли бино сифатсиз ва чидамсиз материаллардан қурилганлиги ва қарорда белгиланган талаблар бажарилмаганлиги аниқланиб, судга ариза киритилган, - дейди туман бош архитектори Т.Мусаев. – Қарор бўйича тадбиркорга 96 квадрат метр ер майдони ажратилган, лекин у қарор талабларини бузган ҳолда 121 квадрат метр, яъни 25 квадрат метр ортиқча майдонда хусусий савдо дўкони қурган. Бунинг устига қурилишда сифатсиз материаллардан фойдаланилганлиги аниқланди. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди ва вилоят суди Х.Якубовга хусусий савдо дўконини ўз ҳисобидан бузиб, белгиланган жойда шаҳарсозлик талаблари ҳамда тасдиқланган лойиҳа асосида қайта қуриш ва капитал реконструкция қилиш мажбуриятини юклаган. Бу ҳақда туман архитектура ва қурилиш бўлими, туман Халқ қабулхонаси ходимлари иштирокида бино бир неча бор ўлчаниб, далолатнома тузилган. Кўриниб турибдики, тадбиркор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириши лозим бўлган майдонга ҳам бино қурган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 2012 йил 28 июндаги кассация инстанциясининг ажримида ҳам 2012 йил 15 майдаги қарор ўз кучида қолдирилган. Юқорида айтганимиздек, туман ҳокимининг қарори билан Х.Якубовга хусусий савдо дўкони қуриш ва атрофини ободонлаштириш учун 96 квадрат метр ер майдони ажратилган бўлса-да, тадбиркор 121 квадрат метрга, яъни белгилангандан 25 квадрат метр ортиқча майдонни ноқонуний эгаллаб қурилиш қилган. Демак, тадбиркор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириши лозим бўлган майдонга бино қуриб, лойиҳада кўрсатилмаган ҳолда бинонинг олд қисмига айвон ҳам қилган. Бу масала туман, вилоятдаги масъул идоралардан иборат ишчи гуруҳ, комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам билдирилди. Бир неча суд қарорларида ҳам Х.Якубовга бинони ўз ҳисобидан бузиб, шаҳарсозлик талаблари асосида қайтадан қуриш мажбурияти юклатилган. Аммо тадбиркор бинони белгиланган талабга мослаштирмаганлиги туфайли ушбу бино қурилганига 9 йил ўтган бўлса-да кадастр идорасида ҳам, солиқ идорасида ҳам рўйхатга олинмаган. Аммо у савдо фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Бино учун ер ва мулк солиқлари қандай тўланаётганлиги тўғрисида маълумот олиш учун туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғига бир неча бор қўнғироқ қилиб боғлана олмадик. Шундан сўнг туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари А.Жабборов орқали олган маълумотимизга кўра, Х.Якубов 2019 йил 1 февралдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширмоқда, нотурар объектга 2019 йил учун 1541176 сўм ҳисобланиб, 2 миллион 750 минг сўм тўлаган ва қарздорлиги йўқ, деган жавоб берилди. Бино фойдаланишга қабул қилинмасдан кадастр ҳужжати тайёрлаш, солиқ идораси рўйхатига олинмаса ҳам бўларкан-да ёки фақат Булунғурда шундаймикан, билолмадик?

Тадбиркор айтаётган "ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган Ғ.Бойбеков" туман ҳокимининг 2015 йил 6 февралдаги 119-Қ сонли қарорига асосан "Булунғур деҳқон бозори" ҳудудида (Амир Темур ва Соҳибкор кўчалари ўртасида) жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай турган туман захира ерларидан "Ғуломжон" фирмасига турғун савдо нуқталари қуриш учун 350 квадрат метр, автомобиллар тўхташ жойи қуриш учун 0,20 гектар ер майдони ажратилган. 2018 йилда фирманинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилган бино фойдаланишга қабул қилиниб, кадастр ва солиқ идоралари базасига киритилган. Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2015 йил 18 сентябрдаги 766-сонли архитектура режалаштириш топшириғига асосан ажратилган ер майдони мутахассислар иштирокида ўлчанганда 1960 квадрат метр эканлиги аниқланган. 2017 йил 4 декабрда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи доимий ишчи комиссиянинг далолатномасига асосан фирма биносининг ғарб томонидаги умумий фойдаланишда бўлган ердан 40 квадрат метр майдон ишчилар учун ошхона ва қоровулхона қуриш учун ҳокимнинг юқоридаги қарорига асосан ажратиб берилиб, ер участкаси чегарасига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2019 йил 22 февралдаги Х.Якубовнинг мурожаатига йўллаган жавоб хатида ҳам ер қонуний тарзда ажратилганлиги кўрсатилган.

Юқорида келтирилган далолатнома қанчалик қонуний ёки ғайриқонуний эканлигини ҳуқуқ идоралари ходимларига ҳавола этамиз, лекин 2011 йилда бинони қуриб ишга туширган Х.Якубовга дўкон атрофини кўкаламзорлаштиришга яна неча йил керак бўлган?

- Шу масала юзасидан бир неча бор судларда қатнашдик, тегишли мутахассислар келиб ажратилган ер майдонини ўлчашди, тўғриси, ўз ишимиз қолиб кунлаб турли идораларда юрган пайтларимиз кўп бўляпти, - дейди "Ғуломжон" фирмаси раҳбари Отабек Бойбеков. – Биноларимиз қонун талаблари асосида, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тасдиқланган лойиҳа асосида қурилган, лекин Х.Якубов ҳар сафар турли важлар билан ишимизга халал беради, негалигига ҳайронман.

Вилоят ҳокимининг топшириғи билан вилоят адлия бошқармаси бошлиғи бошчилигида масалани ўрганган ишчи гуруҳ хулосасида Х.Якубов туман ҳокимининг қарорини бузган ҳолда 117 квадрат метр жойда қурилиш қилганлиги кўрсатилган. Бунинг устига лойиҳадан четлашган ҳолда бинонинг ички қисмида қурилиши лозим бўлган зинапоя 13,5 квадрат метр пиёдалар йўлагидан қурилган, 64 квадрат метр жойда ноқонуний айвон, умумий қурилиш ости майдони 96 ўрнига 195 квадрат метр эканлиги қайд этилган. "Ғуломжон" хусусий фирмаси томонидан 350 ўрнига 567 квадрат метрда қурилиш ишлари бажарилганлиги кўрсатилган. Демак, "Ғуломжон" фирмасида ҳам қарордан ортиқча 217 квадрат метр қурилиш қилингану, айрим мутасаддилар буни эътибордан четда қолдиришган.

Масаланинг яна бир баҳсли томони Х.Якубовнинг савдо дўкони ва "Ғуломжон" фирмасининг ишчилар учун қурилган ошхона биноси оралиғидаги 23 квадрат метр жой бўлмоқда. Бу жойни Х.Якубов лойиҳа асосида кўкаламзорлаштириладиган майдон сифатида қараб, девор тортган. 2018 йилда фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди ва туман иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан икки бино орасидаги 23 квадрат метр майдон Х.Якубовнинг ноқонуний эгалигидан "Ғуломжон" кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмаси ихтиёрига ўтказилган.

Шу ҳудудда кўплаб савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш манзиллари жойлашган ва аксариятининг майдони 20-30 квадрат метрдан ошмайди. Лекин улар ҳам элга хизмат қилиб, ўзига яраша ризқ-насиба топмоқда. Аммо Х.Якубовнинг ортиқча майдонда қурилиш қилгани, бунинг устига йиллар давомида бинони солиқ ва кадастр идорасидан рўйхатдан ўтказмай келаётгани ҳалол тадбиркорлик белгисими?

*Ер кимнингдир шахсий мулки эмаски, хоҳлаган киши ўз манфаати йўлида фойдаланса. Тўғриси, иш ҳужжатларидан ҳам кўринадики, туман ва вилоятдаги масъул ташкилотларнинг деярли барчаси бу масалани ўрганган, тадбиркорга тушунтирган. Аммо...*

*Одамлар орасида тадбиркорга халқ дардини тушунувчи, эл юкини енгиллатувчи, юрт фаровонлигига ҳисса қўшувчи инсон сифатида қаралади. Лекин эл хизматига бел боғлаган, одамлар ҳавас қиладиган тадбиркорлар йиллар давомида адоватлашиб юрса, бошқалар кимга ҳавас қилади? Аслида бу тадбиркорлар "Давлат сенга ишонч билдирди, ер берди, мулкдор бўлдинг, сен бунга жавобан унга қандай наф келтирдинг? Қанча солиқ тўладинг? Нечта иш ўрни яратдинг? Кимга фойданг тегди?», деб ўзига савол берармикан? Ахир кўпчилик кишилар тадбиркорлик қилиб одамларнинг фаровон турмуш кечиришига кўмаклашяпти, давлат ва маҳаллий бюджетга маблағ туширяпти. Меҳнати, ҳаракати билан ўзини ҳам, давлатни ҳам бой қиляпти. Ким бўлмасин, савдо ходимими, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорми, ана шу фикрни танасида ҳис этмаса тадбиркорлик масъулиятини ҳам, завқини ҳам билмайди. Бундан Х.Якубов ҳам, О.Бойбеков ҳам ўзларига тўғри хулоса чиқарса яхши бўларди.*

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Зарафшон"нинг махсус мухбири.**

# Элнинг обрўли оқсоқоли

**Инсон умри курашлардан иборат. Курашларда эса меҳнатлар, машаққатлар, мағлубиятлару муваффақиятлар мужассам. Бунга ақл ва фаросат ҳам ёрдамга келса, натижа янада самаралироқ бўлади. Ҳаётда зафарларга эришган, эл-юрт манфаати учун заҳмат чеккан одамларни ғолиб жангчиларга қиёслаш мумкин.**

Ана шундай инсонлардан бири Мамат Абдуллаев бугун 80 ёшга тўлди. У ёшларга ибрат бўладиган ҳаёт йўлини босиб ўтди.



Мамат Абдуллаев 1939 йил Нурободнинг Жом қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Абдулла Омонов ўша вақтларда Жомдаги уч колхоздан бирининг раиси эди. Абдулла Омоновни халқ учун қайғургани, интизоми, меҳнатсеварлиги учун ҳозиргача одамлар илиқ гаплар билан эслайди. Эл ардоқлаган инсоннинг фазилатлари ёш Маматга ҳам юққанди.

Мамат Абдуллаев 1956 йилда ўрта мактабни битириб, колхозда ишлади. Илмга қизиқувчан, тиришқоқ, ҳисоб-китобга пухталиги учун Тошкент молия институти бухгалтерия факультетига ўқишга кирди. 1968 йилда институтни иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлади.

Шундан сўнг ёш ходимнинг фаолияти вилоятимизнинг корхона ва хўжаликларида, бирлашма ва бошқармаларида ҳисоб-китоб ишларини юритиш, халқ хўжалигининг иқтисодий таҳлилини амалга ошириш билан боғланди.

Ёш иқтисодчи ҳисоб-китоб ишини чорвачиликда донғи кетган «Нус» хўжалиги ҳисобчилигидан бошлади. Кейин Паст Дарғом туманидаги «Самарқанд» пахтачилик хўжалигида, Пахтачи туманидаги «Ленинчи чорвадор», Ургут туманидаги Жданов номли хўжаликларда, вилоят қоракўлчилик трестида, Нуробод туманидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» хўжалигида бош ҳисобчи бўлиб иш юритди.

Кўп йиллик ва самарали иш олиб бориш Мамат Абдуллаевда одамлар билан тил топишиш хусусияти, малакани тарбиялади, раҳбарлик қобилиятини шакллантирди. Шу боис уни 1977 йилда Нуробод тумани партия қўмитаси котиблигига тавсия этишди.

М.Абдуллаев қаерда, қайси вазифада бўлмасин, қўл учида ишламади. У ишнинг аниқ ижросини талаб қилар экан, ёлғонни, риёкорликни ёқтирмасди. Унинг инсоний қиёфаси, раҳбарлик услуби, халқ ва давлат манфаати йўлидаги фидойилиги «Жом» хўжалигига директорлик қилган йилларда яққол намоён бўлди.

Тумандаги энг катта, сертармоқ хўжаликни 10 йилдан ортиқ бошқариб, барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятга эришди. Хўжаликнинг Каррикўл массивида 300 гектар суғориладиган янги ер ўзлаштирилди, Сарикўл қишлоғида 450 ўринли уч қаватли мактаб, Жом қишлоғида 50 ўринли шифохона биноси қурилди.

Ана шу меҳнатлари эвазига Мамат Абдуллаевга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" унвони берилди.

Мамат Абдуллаев тушунчаси кенг, мулоҳазалари салмоқли, маънавияти юксак инсон. У кўпни кўрган, улуғ инсонларнинг даврасида кўп бўлган. Унинг тушунча-ю, тасаввурлари шунга мувофиқ, ҳар бир воқеа-ҳодисага ақл кўзи билан баҳо беради. Шунинг учун ҳеч қачон ўзига, ўзлигига, касбига, вазифасига хилоф иш қилмади.

Таниқли шоир Хуршид Даврон «Юртнинг бепоёнлиги ҳудудининг кенглиги билангина эмас, балки яхши фарзандлари билан ҳам қадрлидир», дейди. Назаримда, Мамат Абдуллаев юртнинг обрўсини юксакларга кўтарадиган ана шундай фарзандлардан бири.

**Қаюм ТУРҒОН,**
**халқ таълими аълочиси,**
**Жом қишлоғи.**

---

**Қадрли Саъдулло Шарипов!**
**Сизни таваллуд топган кунингизга етмиш йил тўлиши муносабати билан қутлаш шарафига муяссар бўлганимиздан ғоят бахтиёрмиз.**

# Олим ва педагог, фаол жамоатчи

Сизнинг олимлик, илмий-педагогик фаолиятингиз илм-фан намояндалари, жамоатчилик учун ибратдир. Яхши биламиз, сиз бу юксак мавқе, обрў-эътиборга осонликча эришганингиз йўқ. 1950 йилда Самарқанд шаҳрида туғилдингиз. 1966 йилда 22-ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирдингиз. 1970 йилда дорилфунунни битириб, Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида илмий ходимликдан фаолият бошлаб, Самарқанд кооператив институтида сиёсий иқтисод кафедраси кабинет мудири, СамДУ Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасида ишладингиз. Университет қошидаги ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш факультети катта лаборанти, университет тарихи музейи мудири, университетда ўқитувчи, аспирантурада сиртдан ўқиш давомида илмга бўлган мураккаб йўлнинг машаққатли синовларидан ўтдингиз.



Сизнинг илмий-педагогик салоҳиятингиз, айниқса, 1983 йилдан Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасида ишлаб келаётган даврингизда яққол намоён бўлди. Узоқ йиллар факультет декани ўринбосари бўлиб ишладингиз. Бой билим ва тажриба айни пайтда археология кафедрасида иш фаолиятида қўл келмоқда.

Сизнинг илмий-педагогик фаолиятни жамоат ишлари билан қўшиб олиб бораётганингиз таҳсинга лойиқдир. Кўп йиллардан буён СамДУ магистратура маркази бошлиғи ўринбосари, Италиянинг Болония университети қўшма магистратураси бўйича раҳбар ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқдасиз.

Тарих факультети ўқув-услубий кенгаши раиси сифатида таълимга ўқитишнинг янгича усуллари, технологияларини татбиқ этишда хизматингиз катта. Сизнинг 200 га яқин илмий, илмий-услубий ва илмий-оммабоп ишларингиз ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Ўқиётган маърузаларингизга янгича руҳ бағишлайди.

Жамоатчилик фаолиятингиз ҳақида гап кетганда Самарқанд шаҳри аҳли сизни Халифа Иброҳим маҳалласи раиси, собиқ Сиёб туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, «Самарқанд» газетаси муҳаррири ўринбосари, туман, шаҳар кенгашлари депутати, шаҳар топономика комиссияси аъзоси сифатидаги фаолиятингизни юксак қадрлайдилар.

Ҳурматли Саъдулло Ибодуллаевич!

Сизни яна бир бор ҳамкасбларингиз, шогирдларингиз, тарих факультети жамоаси номидан қутлуғ 70 ёшингиз билан муборакбод этамиз.

**Дилфуза ЖЎРАҚУЛОВА,**
**Бобир ҒОЙИБОВ,**
**СамДУ доцентлари.**

---

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56**

## САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

***"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилоят бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари билан сайёр қабул ўтказилиши режалаштирилган.***

Тадбирларда иштирокчилар банк соҳасига тааллуқли масалалар ҳамда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, бизнес ғоялар асосида бизнес лойиҳаларни тузиш ва улар асосида кредитлар ажратилиши тартиби бўйича бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлишади. Амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳатлар ва амалий ёрдамлар берилади.

### САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ

| № | Ҳудуд ва филиаллар номи | Учрашув ўтказиладиган жой | Учрашув ўтказиладиган сана | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 12.02.2020 й. | 11.03.2020 й. | 08.04.2020 й. | 12.05.2020 й. | 09.06.2020 й. |
| | **М.Буранов – бошқарма бошлиғи в.б.** | | | | | | |
| 1 | Жомбой | Банк биноси | соат 10:00 | | | | |
| 2 | Паст Дарғом | Банк биноси | | соат 10:00 | | | |
| 3 | Оқдарё | Банк биноси | | | соат 10:00 | | |
| 4 | Самарқанд | Банк биноси | | | | соат 10:00 | |
| 5 | Тойлоқ | Банк биноси | | | | | соат 10:00 |
| | **Т.Сафаров – бошқарма бошлиғи ўринбосари** | | | | | | |
| | | | 13.02.2020 й. | 12.03.2020 й. | 09.04.2020 й. | 13.05.2020 й. | 10.06.2020 й. |
| 1 | Булунғур | Банк биноси | соат 10:00 | | | | |
| 2 | Нуробод | Банк биноси | | соат 10:00 | | | |
| 3 | Нарпай | Банк биноси | | | соат 10:00 | | |
| 4 | Пахтачи | Банк биноси | | | | соат 10:00 | |
| 5 | Сиёб | Банк биноси | | | | | соат 10:00 |
| | **Ж.Шодиев – бошқарма бошлиғи ўринбосари** | | | | | | |
| | | | 14.02.2020 й. | 13.03.2020 й. | 10.04.2020 й. | 14.05.2020 й. | 11.06.2020 й. |
| 1 | Челак | Банк биноси | соат 10:00 | | | | |
| 2 | Ургут | Банк биноси | | соат 10:00 | | | |
| 3 | Пайшанба | Банк биноси | | | соат 10:00 | | |
| 4 | Иштихон | Банк биноси | | | | соат 10:00 | |
| 5 | Қўшработ | Банк биноси | | | | | соат 10:00 |

*Маълумот учун телефон:* **66-229-54-67.**

**"АГРОБАНК" АТБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.**

---

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона институти 2020-2021 ўқув йили учун божхона иши ва юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) таълим йўналишлари бўйича***

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Божхона институти божхона иши ва юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёргарлигини амалга оширади. Божхона институтига ўрта ёки ўрта-махсус маълумотга эга бўлган:

*- 17 ёшдан 21 ёшгача (қабул йилида 17 ёшга тўладиганлар), шу жумладан, 21 ёшда бўлган ҳарбий хизматни ўтамаган;*

*- 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган (шу жумладан, 25 ёшда бўлган) ҳарбий офицерлар таркиби унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.*

Номзодларнинг бўйи ўғил болалар 165 см.дан (қиз болалар учун 160 см.) паст бўлмаслиги талаб этилади.

Номзодлар ўзбек, рус ва чет тилларини билишлари тавсия этилади.

Номзодлар фуқаролик паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, ўқиганлик тўғрисида маълумотнома, рейтинг дафтарчасининг асл нусхаси ёки нусхасини, ишлаётган бўлса, иш жойидан маълумотнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

Божхона институтига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар Самарқанд вилоят божхона бошқармаси томонидан 2020 йилнинг 1 апрель кунига қадар қабул қилинади.

**Номзод қуйидаги ҳужжатларни топширади:**

*- номзоднинг аризаси;*

*- паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхалари;*

*- сўровнома, таржимаи ҳол;*

*- ўқиш ва сўнгги иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) жойидан тавсифнома;*

*- номзоднинг умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси (академик лицей, касб-ҳунар коллежи)ни тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*

*- ҳарбий хизматга чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси;*

*- 6 дона (бош кийимсиз 3х4 см.) 2 дона 12х9 см. ўлчамдаги фотосурат.*

**Мурожаат учун телефон:** 66-230-42-42 (66-26).

**Манзил:** Самарқанд шаҳри Бўстонсарой кўчаси, 85-"А" уй.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ.**

---

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

**Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган:** М.Мирзаев номли боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудидан жами 74 га. (шундан: 29,4 га. сувли, 3,8 га. боғзор, 11,9 га. узумзор, 0,1 га. ихота, 2,6 га. ариқ ва зовурлар, 3,2 га. йўллар ва 23 га. бошқа ерлар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 22 январга қадар қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.**

---

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 4 февралда 679471 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KARIMOV MAS'UDJON SANTEXNIKA" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "KARIMOV MAS'UDJON SANTEXNIKA" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 9 январдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 150-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306081172.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 18 сентябрда 761506 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BARAKA FAYZ SERVIS 777" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "BARAKA FAYZ SERVIS 777" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 10 январдаги 2-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 49-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306713895.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Неъматов Бекбута Бердановичга (2015 йил 28 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.**

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Белашаров Турсунга (2018 йил 10 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хонадон.**

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Курбанов Александр Джалиловичга (2019 йил 8 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хонадон.**

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Мирзанов Исроил Хуразовичга (2016 йил 25 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хонадон.**

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Қобилов Хакимга (2016 йил 7 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида марҳум Сатторов Гафурга (2004 йил 31 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.**

* * *

Булунғур туман давлат нотариал идорасида марҳум Наврузов Бердимурот Умаровичга (2017 йил 10 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Булунғур туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик кўчаси.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 1995 йилда Худайқулов Шухрат Болтабоевич номига берилган № 043541 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон агротадбиркорлик ва сервис коллежидан 2013 йилда Қурбонов Миржалол Дилшод ўғли номига берилган рўйхат рақами 413, К № 2946573 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги "SAHRO BINOKOR GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306587784) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги "ULUG' BIRLASHUV" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305606221) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут иқтисодиёт коллежидан 2006 йилда Алибоева Дилдора Обломуродовна номига берилган рўйхат рақами 428, К № 449477 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2010 йилда Ачилов Голиб Самаридинович номига берилган рўйхат рақами 3703, № 1698962 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сиёб педагогика коллежидан 2009 йилда Обелақулова Шоҳиста Баходировна номига берилган рўйхат рақами 210, К № 1469255 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой туманидаги "MANGU" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 202678240) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой туманидаги "BARAKA MZX" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 204620390) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд тиббиёт коллежидан 1999 йилда Хожақулов Зокиржон Хасанович номига берилган рўйхат рақами 38010, № 302546 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2013 йилда Файзиева Марғуба Алибек қизи номига берилган рўйхат рақами 72, К № 2971143 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар ҳокимининг уй-жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва алмаштириш бошқармасидан 2001 йил 27 июлда Самарқанд шаҳри Огаҳий кўчаси 1-йўлак, 8-уй-жойни Уракова Мухаббатга тегишли эканлигини тасдиқловчи 21305 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги собиқ 42-ўрта мактабдан (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 76-умумий ўрта таълим мактабидан) 1996 йилда Хасанова (ҳозирда Мурадова) Шохсанам Хакбердиевна номига берилган UZI № 367751 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сиёб тиббиёт коллежидан 2004 йилда Исроилова Наргис Илхомовна номига берилган рўйхат рақами 179, К № 133062 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги "DOCTOR KOZIMBEK MEDICAL" масъулияти чекланган жамиятига тегишли, Самарқанд туман давлат солиқ инспекциясидан 2017 йил 2 октябрда 1820100533 реестр рақами билан рўйхатга олинган завод рақами 01349666 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат-касса машинасининг рўйхатга олиш китоби йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги собиқ 28-ўрта мактабдан (ҳозирги 82-умумий ўрта таълим мактабидан) 1997 йилда Рахматова Шохиста Абдисаматовна номига берилган O'R-A № 163005 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасидан 2011 йил 2 майда Қўзиев Жахонгир Абдужалоловичга берилган 11978 рақамли пенсия гувоҳномаси Булунғур тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99894-280-73-80.**

# Дастхатли китоблар

## ёшларни китобхонликка жалб қилишнинг инновацион усули




Гулобод ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқувчиси Рустам Аҳрорқулов Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусдан бири бўлган ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш бўйича ўз лойиҳасини ишлаб чиқди. Унинг ташаббуси билан Самарқанд тумани Хўжа Аҳрори Вали маҳалласида очилган "Ёш китобхон маскани"да китобларни муаллифи ва жамиятимизнинг таниқли кишилари дастхати билан ўқиш мумкин.

- Китоб ўқир экансиз, дастлаб унинг бош саҳифасига назар ташлайсиз, - дейди Рустам. - Бош саҳифада китоб муаллифи ёхуд ҳаёт йўлида аниқ мақсадларга эришган инсонларнинг тилаги ва дастхати ёзилган бўлса, бу ҳар бир китобхонга ўзгача завқ бағишлайди. Уни китоб ўқишга руҳлантиради. "Ёш китобхон маскани" ёшларимизга ушбу имкониятни яратиб берувчи мўъжазгина кутубхона вазифасини бажаради, деб ўйлайман. Шунингдек, бу ерда янги китоблар тақдимоти, жамиятда ўз ўрнига, ҳаёт тажрибасига эга инсонлар билан суҳбатлар ўтказилади.

Кутубхонадаги китобларнинг аксариятига вилоятимизнинг таниқли рассомлари, шоирлари, ёзувчилари ва киноюлдузлар томонидан эзгу тилаклар билдирилган дастхатлар қолдирилган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган марказда адабиётлар ҳозирча етарли бўлмаса-да, электрон китобларни топиш мумкин.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**Самарқанд тумани.**

# Бир ойда бир кун

«Нуроний» жамғармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими кексаларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитларни яратиб келмоқда. Жумладан, фахрий отахон ва онахонлар ҳар ойда бир кун саёҳат ва зиёратга чиқадилар, театр ва бошқа кўнгилочар тадбирларда бўлишади. Мисол учун, ўтган йил октябрь ойида юзга яқин фахрийлар Каттақўрғон шаҳар драма театрида Чингиз Айтматовнинг «Эрта қайтган турналар» спектаклини томоша қилган бўлсак, ноябрь ойида Самарқанд шаҳрига саёҳатга келдик. Декабрь ойида эса 40 нафар кексалар Бухоро шаҳридаги азиз авлиёлар қадамжоларида бўлдик.

**Файзулла МУҲАММАДИЕВ,**
**Кексалар ва фахрийлар Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари.**

# Муштарий саволи

Оммавий ахборот воситаларида юртимизда фермер хўжаликлари, жумладан, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик ривожланаётгани, ғалла, мева-сабзавот экинларидан мўл ҳосил олинаётгани бот-бот айтилмоқда. Аммо бозордаги нарх-навони кўриб ҳайратланасиз - бир килограмм гўшт 50 минг сўм, бир қоп ун 150 минг сўм, 5 литр ёғ 50 минг сўм. Бу ҳолат барчада битта саволни уйғотаётгани рост: нархлар нега ошмоқда?

**Мурод ҚУРБОНЗОДА,**
**Ургут тумани, Камонгарон маҳалласи.**

*Алло, бу таҳририятми?*

# «Йўлкирангизни кантаксиз тўланг»

Самарқанд шаҳрида яшайман. Гоҳида автобус ва трамвайда юраман. Атрофни кузатар эканман, улардаги реклама ва эълонларни ўқиб ҳайрон қоламан. На имло қоидаларига риоя қилинган, на мазмун-моҳиятига аҳамият берилган.

Жумладан, трамвайларда «Йўл кира хаки», «Йўлкирангизни кантаксиз тўланг» ва бошқа шунга ўхшаш ёзувларни кўриш мумкин. Бундан қандай маъно англашилади?

Бу каби хатоларни ким тузатади?

**С.АЛИҚУЛОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

# Бизга ёзишларича...

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус, беш эзгу мақсаднинг барчаси комил инсон тарбиясига қаратилганлиги, уни шеърият султони Алишер Навоий бобомизнинг «Хамса» асарига қиёслаш мумкин. У келажак эгалари бўлган ёшларни китобни севиш, энг сара асарлар билан танишиб бориш, мусиқа, спорт, замонавий ахборот технологиялардан хабардор бўлиш каби мақсадларни ўз ичига олган.

**Ҳусниддин ФАЙЁЗОВ.**

Таниқли ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асарида онага фақат икки нарса қиёсланади: бири – Ватан, иккинчиси – она тили. Тил онага қиёсланаётган экан, онамизни қанчалик севсак, қанчалик ҳурмат қилсак, тилимизга ҳам шундай муносабатда бўлмоғимиз лозим.

**Маржона ЗИЁТОВА,**
**СамДУ талабаси.**

Қарнабота қишлоғидаги 8-сонли мактаб-интернатида бундан ярим аср олдин шу мактабда таҳсил олган собиқ ўқувчиларнинг учрашуви ўтказилди.

**Муаттар ЖЎРАХОЛОВА,**
**Пахтачи тумани.**

Кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз қатори ва рўпарасида беш қаватли уйлар бор ва улар ҳовлиси кечқурун ёп-ёруғ. Бу жуда яхши, аммо кун ёришгач, ҳатто соат 8-8.30 ларда ҳам биров ёриткичларни ўчиришни эсига келтирмайди. Эрталаб ишга кетаётиб, бу ҳолатни шаҳардаги айрим кўчаларда ҳам кўраман. Бу электр энергиясини исроф қилиш-ку. Чироқларни ўчиришга ким масъул?..

**Малика ЎТАШЕВА,**
**Самарқанд шаҳри.**

*Муштарий маслаҳат беради*

# Тўйга борсанг...

Ислом таълимотига биноан чақирилмаган жойга борилмайди. Шунингдек, таклиф қилинмаган кишини зиёфат соҳибининг рухсатисиз эргаштириб бориш макруҳдир. Агар қўшилиб борса, эҳсон эгасининг эшиги олдига келганда, унга «Бу кишининг ўзи эргашиб келди, рухсат берсангиз кирсин, акс ҳолда қайтиб кетсин», дейиш керак. Мезбон қаерни кўрсатса, меҳмон ўша ерда ўтириши, мезбоннинг рухсатисиз дастурхондан ҳеч нарса олиб кетмаслиги, кетар чоғи мезбон ҳақига дуо қилиши лозим.

Халқимизда «Тўйга борсанг тўйиб бор», деган нақл бор. Чунки меҳмон тўйга ёки бошқа тадбирга боришдан аввал озроқ таом еб олгани маъқул. Борган жойида очкўзлик қилиб, дастурхонга ҳирс билан ёпишиш одобдан эмас.

Фақир кишилар зиёфатга таклиф қилишса, албатта, бориш шарт.

Мезбонга таом ёки бошқа масалада буйруқ берилмайди.

**Анвар ҒУЛОМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**




*... танқид қилади*

# Маданиятсиз раққосаларни ким тартибга чақиради?

Яқинда ижтимоий тармоқларда ширакайф эркак раққосани кўтариб ўйнаётгани ва уни даб-дурустдан ерга ташлаб юборган ҳолати акс этган видеолавҳани кўриб қолдим.

Очиғи, кейинги пайтларда тўйларда айрим раққосалар (агар уларни шундай аташ мумкин бўлса) бачкана қилиқлар қилиб, ҳатто ичиб олиб, пул илинжида эркакларга суйкалар, бу эса кишини ғазаблантирарди. Видеолавҳада акс этган ҳолат маданиятсизликнинг яққол кўриниши. Ахир раққосанинг куёвжўралар ёки кап-катта эркаклар билан рақсга тушиши қайси одоб мезонларига тўғри келади? Илгари раққосалар фақат тўйхона тўридаги даврада хиром айлаб, кишиларга хушкайфият бағишларди.

Бу йил тўйларни ҳар томонлама ихчам, маданиятли ўтказишга бел боғланган экан, масаланинг ана шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратилиши зарур, деб ўйлайман.

**Мамаражаб ТЎРАЕВ,**
**Қўшработ тумани.**

*... муносабат билдиради*

# Ободлик учун барчамиз масъулмиз. Аммо...

«Зарафшон» газетасининг 2019 йил 161-сонида чоп этилган «Фаррошга салом беринг...» сарлавҳали мақолани ўқиб, кўнглимдаги айрим гаплар, таклифлар яна қайта уйғонди. Дарҳақиқат, Самарқанд шаҳрининг тозалиги ва ободлиги учун минглаб кишилар меҳнат қилади. Айниқса, бунда ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг, жумладан, хотин-қизларнинг ҳиссаси катта. Улар изғирин совуқда ҳам, жазирама иссиқда ҳам кўчаларимизни тозалаб юришади.




Афсуски, ишдан уйга қайтар эканман, уларнинг меҳнатини ҳурмат қилмаслик, шаҳар ободлигига путур етказиш ҳолатларига кўп дуч келаман. Самарқанд шаҳрида чиройли қурилган бекатлар ичига кирсангиз асабингиз бузилади. Бу ерда чиқинди қоғозлар, писта, сигарет, нос қолдиқларини учратасиз. Ваҳоланки, ҳар бир бекатда чиқинди қутилари ўрнатилган.

Кўчаларда ҳам бундай манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. Айрим фуқаролар сигарет, писта қолдиқларини, нос солинган целлофан халтачаларини, музқаймоқ ва бошқа бир марталик қоғоз чиқиндиларни йўл четидаги ариқларга ташлаб кетишади. Бу эса ёмғир пайтида қувурларга чиқинди тиқилишига, сув ариқлардан тошиб йўлларга чиқиб кетишига олиб келади. Натижада бу фуқаролар учун кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқаради.

**Т.МАМАТОВ,**
**ўқитувчиси.**

# Қизилтепадан мактуб

Мамлакатимизда кекса авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб қалбим қувонади. Яқинда Каттақўрғондаги «Марварид» санаторийсида дам олгач, бу нарсага яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Ўн кун давомида конимехлик М.Менглибоев, хоразмдан З.Жумагелдиев, сурхондарёлик Р.Очилова, нарпайлик А.Хушвақтов, навоийлик Ж.Кенжаев каби нуронийлар билан биргаликда ҳордиқ чиқариб, саломатлигимизни тикладик.

Бу ерда ҳамма шароитлар бор экан. Санаторий раҳбари Шерали Эргашев, врач ва ҳамширалар, ҳатто бош ошпаз Раҳматуллагача бўш вақтида бизлар билан суҳбат қурди, ҳол сўраб туришди. Шаҳар маданият уйи, ҳарбий қисм бадиий ҳаваскорлари маданий дастурлар намойиш этди.

Катта таассурот ва қувонч билан уйга қайтар эканмиз, санаторий ходимларига раҳмат айтиш баробарида «Кексаларига ғамхўр юртимизга, ҳаётимизга кўз тегмасин», деб дуо қилдик.

**С.ЭГАМОВ,**
**Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.**

* * *

*Шу мазмундаги – «Марварид» шифокору ходимларидан миннатдорлик мактубини каттақўрғонлик жамоатчи мухбиримиз Абдуазиз Ҳошимовдан ҳам олдик.*

*... таклиф беради*

# Экологик маданиятни боғчадан шакллантириш керак

Бунинг учун мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун ўқув-методик қўлланмалар яратиш, кўргазмали ҳамда дидактик материаллар ишлаб чиқариш, мунтазам равишда экофестиваль, экомарафонлар ўтказиб туриш керак.

Экологик маданиятнинг пойдевори экологик тарбиядир. Бинобарин, болаларни оилада, боғчада, мактабда табиат, атроф-муҳитга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш бугуннинг талабидир.

**Абдували ҚУВОНДИҚОВ,**
**Пайариқ тумани.**

# Мактубларингизни ўқиб...

Таҳририятимизга муштарийлар томонидан 2019 йил давомида **1910 та хат** келди. Уларнинг ҳар бирида ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Кимдир маҳалласидаги тадбиркорлар томонидан қилинган хайрли ишлардан кўнгли ғурурга тўлса, кимдир жамиятимиздаги оғриқли нуқталарга кўз юмиб ўта олмай хат йўллайди.

Жумладан, **Ургут тумани Ғойибота маҳалласида истиқомат қилувчи А.Қорабеков** туманнинг фидойи тадбиркорларидан бири, кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, Ургутсойнинг юқори қисмида болалар дам олиш маскани қуришда бош-қош бўлган Болта Набиев ҳақида ёзиб юборибди. Муштарийимиз Болта Набиев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ургутсой дарасидаги сиҳатгоҳга ҳамда кўчалардан бирига у кишининг номини беришни таклиф этган.

**Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Шаҳноза Эгамбердиева** "Она юраги" сарлавҳали ибратли ҳикоя ёзибди. Унда оналаримизнинг фарзанди бахти, камоли учун жонини-да фидо этиши, бағрикенглиги, қалби дарёлиги ўз ифодасини топган.

**СамДЧТИ талабаси Ирода Жўрақулова** ўзбек тили шеваларининг ўзига хос хусусиятлари, бунда ҳар бир макон, ҳудуднинг ўз сўзлашув қоидалари борлиги ҳақида ёзган. У ўз тадқиқотларида Жиззах вилояти Фориш туманининг Илончи, Тутак, Осмонсой, Толбоши, Сайёд, Эгизбулоқ қишлоқларининг шеваларини таҳлил этган.

**Жомбойлик Файзулла Исмоилов** газетамизда ҳаёт йўлларида гувоҳ бўлган ибратли воқеа-ҳодисаларни ёзиб, ёшларни ундан тўғри хулоса чиқаришга чорлайди. Бу гал у ҳушдан кетган дугонасини беҳуш ҳолда ташлаб кетган масъулиятсиз дугона ҳақида ёзиб юборибди.

**Қўшработ тумани Юқори Сарой маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Абдиҳамид Муҳаммадиев** вилоят кўп тармоқли шифохонасининг асаб касалликлари бўлими шифокори Санъат Қораевга газетамиз орқали миннатдорлик билдиришни жоиз топибди.

Яна бир муштарийимиз **Нуробод тумани Юқори Шўрча қишлоғидан бир гуруҳ дўстлари** билан мактуб юборибди. Улар туманда таълим соҳасида фаолият юритиб, ёшларга сабоқ бериб келаётган Самандар Тоғаевни 60 ёши билан табриклаган.

**Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчасидан Раҳматжон Аҳмедов** таҳририятимиз ходимларига янги йилда янги-янги мавзуларда қалам тебратишда ижодий баркамоллик тилаб, газетамизнинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутишини баён этган.

Сиз, азиз муштарийларнинг ҳар бир мактубингиз эътиборимизда ва улардан газета мазмун-мундарижасини белгилашда фойдаланамиз.

**Бу йил ҳам бизга мактуб йўлланг, фикрингизни, мулоҳаза ва таклифларингизни айтишдан тортинманг! Сизнинг қарашларингиз, муносабатингиз биз учун муҳим!**

**ХАТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР БЎЛИМИ.**

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 308 нусхада чоп этилди. Буюртма 22

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Д.ТЎХТАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009